СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ

НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги "Янгиобод" қўрғонида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган боғ-хиёбон ташкил қилинди. Унинг кўзга кўринарли жойига соҳибқиронинг бюсти ўрнатилди. Бу гўша хатирчиликларнинг севимли масканига айланди. Бундай боғ-хиёбонлар бошқа туман, шаҳарларда ҳам ташкил этилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

ОНАЛАР ҚУВОНЧИ

ҚАШҚАДАРЁ. Яккабоғдаги туғруқхона таъмирталаб бўлиб қолганди. Қурилиши чала қолган ишларга қайта қўл урилиши асқотди. Хусусан, 230-кўчма қурилиш ташкилоти бинокорлари замонавий туғруқхонани фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйишди.

Юнус УЗОҚОВ.

"СУҲ МАЛИКАСИ" ЕТИЛДИ

ФАРҒОНА. Сўх - тоғли туман. Бу ерда академик Шредер номидаги Фарғона меваузумчилик селекция станциясига қарашли таянч пункти жойлашган. Олимларнинг изланишлари самараси ўлароқ "Фарғона гўзали" ва "Сўх маликаси" олма навлари етиштирилади. Бу олмалар 11 хил кўчат асосида бунёдга келган. Гектарига 60-70 центнердан ҳосил беради. Бундан ташқари, 16 хил бодом, 9 хил ёнғоқ, 24 хил ўрик ва 8 хил нок нави парваришланяпти.

Алишер ИБОДИНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

НАФОСАТ БАЙРАМИ

СИРДАРЁ. Истироҳат боғида анъанавий гуллар байрами ўтказилди. Ўқувчилар ва ҳаваскор гулчилар парвариш қилган анвойи гуллар намойиш қилинди. Шаҳар болалар ижодиёти марказининг "Моҳир қўллар" тўгараги аъзолари етиштирган гулларга юқори баҳо берилди. Уларга "Экосан" халқаро ташкилотининг совғалари топширилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ҚИШЛОҚ ЧЕВАРЛАРИ

ХОРАЗМ. Шовотдаги "Дўстлик" жамоа хўжалигида 4 та тикувчилик ва тўқувчилик кичик корхонаси бўлиб, 100 нафар чевар меҳнат қилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган гилам, трикотаж маҳсулотлари ва бошқа кийим-кечаклар харидоргир. Мавжуд кичик корхоналарни кенгайтириш режалари бор.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

НОНИ БУТУН ЭЛМИЗ

БУХОРО. Галлачиликда тажриба мактаби яратган Даврон Боботулов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари вилоятда биринчилар қатори режани уддаладилар. Улар 450 тоннадан зиёд дон топшириб, хирмонни 940 тоннага етказишни мўлжалламоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 27 июнь, пайшанба № 80 (22.001). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА БИЛЛ КЛИНТОН УЧРАШУВИ

Вашингтон, 26 июнь. ЎзА мухбири Амиркул Карим хабар қилади: 25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Ўзбекистон-Америка муносабатлари тарихида ғоят муҳим воқеа бўлган бу учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалалари хусусида фикр алмашилди. Билл Клинтон Ислом Каримовга Америка Марказий Осиёда етакчи ўрин эгаллайдиган Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш тарафдори эканини айтди.

Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ миллий хавфсизлик кенгаши раиси Э. Лейк билан мулоқотда бўлди. Маълумки, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари АҚШ сенатининг халқаро муносабатлар қўмитаси вакиллари ҳамда конгресснинг вакиллар палатасида халқаро муносабатлар қўмитаси аъзолари билан мулоқотда бўлди.

Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси юртимизда тадбиркорликнинг тараққий этишида катта кўмак бермоқда. Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда мазкур жамғарма раиси С. Соларзни қабул қилди.

Президент шу куни Жаҳон банки қароргоҳида ушбу банк президенти Ж. Вульфенсон билан ҳам учрашди. Юртбошимизнинг Америкага ташрифи чоғида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. АҚШ пойтахти марказидаги Массачусетс авенюда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти икки мамлакат муносабатларида янги давр бошлангани, элчихона эса Ўзбекистон ва Америка халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишини таъкидлади. Ўзбекистон элчихонасининг очилиш маросимида Америка томонидан кўплаб расмий кишилар иштирок этди. Улар орасида элчи Жеймс Коллинз, АҚШ энергетика вазири Г. Оълири, шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро бор эди.

Маросимда, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари С. Сафоев, В. Голишев, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Тешабоев иштирок этди.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши 25 июнда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан партия марказий нашрлари жамоалари учун қабул маросими уюштирди.

МК биринчи котиби А. Жалолов йиғилганларни касб байрамлари билан қутлаб, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига қўйган долзарб вазифалар тўғрисида сўзлади.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари — Ў. Турғунов, Л. Фуломовлар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

— Далани суратга ол, мухбиржон. Ҳаммамизни шу дала боқади!

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ: МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИ

Рейтер ахборот агентлигининг маълумотига кўра, Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари иккала давлатлараро мустаҳкамланиб бораётган муносабатларни ҳар томонлама муҳокама этдилар. Сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги муҳим жиҳатлар, шунингдек халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. АҚШ Президенти матбуот котиби Майк Маккарининг таъкидлашича, Оқ уйда бўлиб ўтган Ислом Каримов ва Билл Клинтон учрашувида ҳар иккала мамлакатда кечаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга Президентлар катта қизиқиш билдирдилар.

М. Маккари, Президентлар Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари ривожланишининг истиқболларини муҳокама этдилар, дея қўшимча қилди.

ҚУРҒОҚЧИЛИК ОҚИБАТИ

Украина қишлоқ хўжалиги экспертлари мамлакатда ғалла ҳосили фожиавий аҳволда эканлигини таъкидладилар. Тахминларга кўра, бу йилги ғалла ҳосили 28 миллион тоннага етади. Бу эса 1990 йилдагидан ҳам оз кўрсаткичдир. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий сабаби қурғоқчилик бўлса, саноат ва маркетинг тизимининг ишдан чиққанлиги, ёнилғи ресурсларининг етишмаслиги ҳамда техниканинг ночорлиги ҳам ҳосилнинг мўлжалдагидан оз бўлишига сабабдир.

ҚАБИЛАЛАР УРУШИ

Африка мамлакатлари раҳнамолари ўлкани қабилавий урушлардан четга тортиш учун Бурундига хавфсизлик ёрдами кўрсатиш масаласини ўрганиб чиқишни ваъда бердилар. Мамлакат ичидаги фуқаролар эса бу чақириқни гўё эшитмаяптилар. Катта миқдорда қурол тўплаган қабилалар орасида қотиллик бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўпайди.

АСКАРЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Доминикан Республикасида бўлажак Президент сайловларида тартиб-интизомни сақлаш учун 20 минг аскар 9 мингдан ортиқ сайлов участкаларига жўнатилди.

МИЛЛАТИ СИР ТУТИЛМОҚДА

Шу ойда Рим аэропортида ҳибсга олинган олти хил паспорт ва кузатувчи сунъий йўлдош қурилмасига эга шахс ҳақида қисман маълумотлар айтилди-ю, унинг миллати ҳануз сир тутилмоқда. Қўлга тушган пайтда унинг ёнида Эрон, Италия, АҚШ паспортлари ҳам бўлган.

ЎЛИМ ЛАГЕРИДА — РЕСТОРАН

Польша ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан қолган нацистларнинг ўлим лагерларидан бирини ёдгорлик сифатида сақлаб қолишга қарор қилди. Бу қарор кўҳна биноли мазкур жойни савдо маркази ва ресторан қилишни мўлжаллаган ишбилармонларга ёқмай турибди.

СЎНМАЁТГАН ЁНҒИН

Американинг ғарбий штатлари маъмуриятлари бу йилги ёзни энг ёмон келган ёз, демоқдалар. Бу ерда қатор мамлакатларнинг қўшма ўт ўчирувчилар гуруҳи бир неча ойлардан буён ёнғинга қарши курашмоқда.

УММОН ОРТИДАГИ МАКОНИМ

Вашингтонда Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очилиши тантаналарида юртимиздан борган бир гуруҳ адабиёт ва санъат арбоблари ҳам иштирок этди. Тантанада қатнашган Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қуйидаги шеърини ана шу тарихий воқеага бағишлади.

Кенг жаҳон бир қадам бўлди мен учун,
Менга ҳам очилди олам дарчаси.
Йироқ Америқода тафт сочар бу кун
Ўзбек қуёшининг олов парчаси.
Очилди мен учун тор осмон бекам
Сездим юксакликнинг чўнг дарғасини
Ўзбекнинг лочини бўл, озод, кўркам,
Қурди бу ерда ҳам қўналғасини.

Нечун хушнуд бўлмай, дилимни ёрмай,
Уммон ортида ҳам бордир маконим.
Дунёнинг қайси бир бурчига бормай
Ўзинг бошпана бўл, Ўзбекистоним!

Абдулла ОРИПОВ.
Вашингтон шаҳри, 1996 йил 25 июнь.
(ЎзА).

БОЗОРИМИЗ ТЎЛАВЕРСИН

ТОШКЕНТ. Қибрай туманидаги Туроб Нормуҳамедов номли жамоа хўжалиги сабзавоткорлари пойтахт аҳолисига 80 тоннадан зиёд карам етказиб бердилар. «Бураота» жамоа хўжалиги миришкорлари эса Тошкентимиз бозорини 300 тонналик сабзавот билан тўлдирдилар. Тошкент тумани деҳқонлари эса шаҳарликлар дастурхонига 4 минг тоннадан зиёд сабзавот тортиқ қилишди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

Яккама - якка

НЕГА САВДОДА ТЕРМОС КАМАЙИБ КЕТДИ?

Ёз жазирамаси авжига чиқмоқда. Муздай сувни симириб чанқовимиз босилгандай бўлади. Ҳаял ўтмай яна сувсаймиз. Кўпни кўрган боболар бундай пайтларда қайноқ чой ичишади. Иссиқни иссиқ кесади-да. Лекин ҳар қадамда сизга чой тайёр турибдими? Бунинг битта йўли бор: сафарга чиқасизми, дастгоҳ ёнидасизми, чойни термосга солиб олсангиз кифоя. Лекин қани ўша бежирим, чиройли термослар? Бош универмаг, Марказий универмаг пештахталарини безатиб турган бу маҳсулот йўқ. Нима, термос шу қадар ноёблашиб кетганми? Биз бу саволни ўзбек-хитой «Тошинтерм» қўшма корхонаси раҳбари Саид СУЛТОНОВга бердик.

— Истаган савдо шохобчасининг буюртмасини бажаришга тайёрмиз, — дейди Саид Аҳмедович. — Фақат битта шарти бор, пулини олдиндан тўлаш керак, ҳеч бўлмаса 15 фоизини. Корхонамизда хом ашё тақчиллигини елиб-югуриш ҳисобига ҳал қиляпмиз, ишлаб чиқариш маромини таъминлаш осон бўлмаяпти. Лекин тайёр маҳсулотни харид қилиш ундан ҳам қийин кечмоқда. Ўтган йили 200 минг дона термос чиқардик. Корхона қуввати бундан бир неча бор юқори, лекин нуқул «омборга» ишлашнинг нима кераги бор. Биргина июнь ойида маҳсулот миқдори 20 минг донани ташкил этмоқда. Марҳамат, ҳақини тўлаб кўтарага олувчилар борми? Лекин аксарият савдо ташкилотлари ўз ҳисобларида пул йўқлигини айтишяпти. Баъзан термосни четга сотадиган фирмалар учраб турибди, лекин ундайлар камдан-кам.

— Заводнинг ўз дўкони йўқми?

— Отчопарда шундай дўконча очганмиз. Лекин битта нуқта нима бўлади...

— Корхона Хитой билан ҳамкорликда ишлайди. Демак, уёққа ҳам маҳсулот юборасизларми?

— Йўқ. Ҳозир Хитойда 127 та термос заводи йилига 2 миллиард 550 минг дона термос чиқаради. Умуман, Хитой дунёнинг кўплаб минтақасини термос билан таъминлайди.

— Хўш, савдо ташкилотлари пул йўқ деб олишолмаса, сизлар олдиндан тўланмаса, бермаймиз десангиз. Буёғи нима бўлади?

— ...

— Шундай маҳсулотга аҳолида эҳтиёж катталигини биласизларми?

— Биламиз, лекин аҳолига савдо ташкилотлари орқали сотилади-да...

— Корхонада фақат термос ишлаб чиқаришмиз мумкин. Ҳа, бозор муносабатлари ўз талабини қўймоқда. Биз ҳам унга муносиб бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ суҳбатлашди.

МАЪНАВИЯТ — ТАРБИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛИ

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Миллат ва маънавият

«ТАРАҚҚИЙ»ДАН БОШЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбек росмана миллий матбуоти нисбатан қисқа тарихга эга. Агар саноқни Исмоил Обидий томонидан 1906 йилда асос солинган «Тараққий» газетасидан бошлаб оладиган бўлсак, демак, роппа-роса тўқсон йиллик муддатни матбуотимиз босиб ўтган катта ва мураккаб йўл сифатида кўзда тутган бўламиз. Тўқсон йил қисқа муддат деб, жаҳон матбуоти тарихига нисбатан олинаётган бўлса-да, аслида қарийб бир асрга тенг келиб қоладиган бу давр неча-неча шонли ва фожиавий ҳодисалар билан, қанчадан-қанча буюк зотларнинг умри, заҳмати ва тақдири билан боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Қадим Туркистон Россия империясининг таркибига қуролли таҳдид ва қонли тажовузлар эвазига қўшиб олингач, ўлкада асосан сиёсий режаларни кўзлаган қатор маданий-маърифий ҳаракатлар юз бера бошлади. Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг моҳиятини босиб олинган Туркистонни-да галдаги мустамлака юришлари кўприги деб билиш сиёсати ташкил этганлиги сабаби, дунё миқёсида ривожланаётган бозор иқтисодиётининг кейинчалик умумбашарий тус оладиган қадриятлари ва тамойиллари ўлкамизга киритилмасдан қолмас эди. Темир йўллар, замонавий саноатни ривожлантириш иқтисодий ҳаётни, пахтачиликни тараққий эттириш асосида чор ҳукуматининг мустамлакачи маъмурлари матбаа ва матбуотчиликдан манфаатлар йўлида фойдаландилар. Бунинг илк намунаси сифатида Тошкент ва Туркистоннинг бошқа йирик шаҳарларида бирин-кетин типография, литографиялар қурилди ва Туркистон генерал-губернаторлиги сиёсатини оммага етказиш мақсадида расмий нашр ўлароқ «Туркистон вилоятининг газети» чоп этила бошланди. 1870 йилдан нашр этила бошлаган бу газета 1917 йил Октябрь воқеаларига қадар мунтазам чиқиб турган. Бироқ, бу газета фаолияти ҳар қанча узоқ давом этмасин ва кенг тарқалмасин, у ҳеч қачон Туркистон халқлари манфаатларини тўла ифода эта олмас эди. Аксинча, маҳаллий халқни мутеликка маҳкум этиш, омма фикрини Россия буюк давлатчилик дабдабаларига йўналтириш газетанинг асос моҳияти ва маҳдуд маслагини ташкил этар эди.

Умуман олганда «Туркистон вилоятининг газети»нинг миллий маданиятимизда ўзига хос ўрни бор. Аввало, бу газетада Муқимий, Фурқат, Завқий сингари етук ижодкорларнинг асарларидан намуналар босиб чиқилиши, ўлкада кечаётган жараёнларнинг ва воқеаларнинг, гарчи Чор ҳукумати нуқтаи назаридан бўлса-да, акс эттирила бориши ўша замоннинг хотирасини сақлаш баробарида, халқнинг катта қатламини матбуот ва матбаа хизматидан фойдаланишга ўргатди, пировардида матбаачиликнинг ижтимоий куч эканлигини асослаб берди.

Асримиз тонгида Туркистонда том маънода Миллий уйғониш шабадалари эса бошлади. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда жонланиш, айрича ҳаракатлар кўринди. Бу ҳаракатлар даракчилари миллат тараққиёти покиза нияти билан юртимиз тарихи саҳнасига чиққан жадидлар эдилар. Биз ҳам, мавриди экан, уларнинг миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиш борасидаги хизматлари ҳақида қисқача тўхталиб, матбуот тарихида нақадар йирик амалий вазифаларни адо этганларига диққатни тортмоқчимиз.

Исмоил Обидий «Тараққий» газетасини чоп эттира бошлагач, бу тажриба оз фурсатда зиёлилар ўртасида акс-садо топа бошлади. 1907-1915 йиллар оралиғида «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» номли қатор газеталар, «Ойина», «Ал-Ислоҳ», «Ал-Изоҳ», «Изҳорул Ҳақ» деб ном олган журналлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси, аввало, соф миллий йўналиши билан аҳамият топган бўлса, иккинчидан, ўз атрофига ўнлаб миллий зиёлиларни жалб эта олгани ва уларни муайян тараққийпарварлик ишларига фаол йўналтира билгани билан эътиборга сазовордир. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Убайдулла Хўжаев, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Абдулла Қодирий каби жадид мутафаккирлари юқорида номлари зикр этилган илк миллий матбуот нашрларида қизғин ижтимоий ва ижодий фаолият юритгандилар.

Оқибатда, 10-йилларга келиб, Туркистонда халқ онги ва савияси юксалиш йўлига кирдики, бунинг бош омилларидан бири миллий матбуотнинг туғилиб, тараққий эта бошлаганлиги эканини қониқиш билан эътироф этмоқ лозимдир. Бу давр миллий матбуотимиз тарихидаги илк давр ўлароқ саналмоғи керак.

1915 йиллардан сўнг, яъни Россия биринчи жаҳон уруши жабҳаларига киргач, мамлакат ҳаётидаги каби матбуотида ҳам муайян ўзгаришлар кўзга ташланади. Истибдод маъмурлари уруш туфайли Туркистонда ҳам миллий ўзлигини англаш жараёнлари авжланишидан чўчиб, фаоллашиб бораётган «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталари ва «Ойина» журналини турли йўллар билан тўхтатиб қўйишга эришадилар. Ва фақат 1917 йил февраль воқеаларидан кейингина имкон яралди. «Турон», «Эл байроғи», «Кенгаш», «Ҳуррият», «Турк сўзи», «Турк туғи» номларида қатор газета ва журналлар чиқа бошлади. Туркистондаги деярли барча йирик шаҳарлар, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда мунтазам чиқиб турувчи маҳаллий-миллий нашрлар пайдо бўлди. Матбуот том маънода сиёсий, ғоявий курашларнинг майдонига айланиб қолди.

Суронли 20-йилларга келиб ўзбек матбуоти фикрий ранг-баранглик, маънавий кўтарилиш жараёнларини бошдан кечирди. Журналистика соҳасида Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Комил Алиев, Усмонхон Эшонхўжаев, Саид Аҳрорий, Абдулҳай Тожиев, Мирмулла Шермуҳамедов, Маҳмуд Ходиев, Абдулла Қодирий, Ғози Юнус, Зиё Саид, Лазиз Азиззода каби етук зиёлилар фаолияти гуллаб-яшнади. Кейинчалик республикамиз матбуотининг тараққиётини белгилаган «Иштирокиюн», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Маориф ва ўқитғувчи», «Ўзгаришчи ёшлар», «Ер юзи», «Янги ҳаёт» каби ўнлаб газета-журналларнинг илк сонлари шу даврларда дунё юзини кўрди.

«Тараққий» газетасининг илк сони чиққанига 90 йил тўлди (1906 йил 27 июнь). Бу газета, миллий маданиятимизда ўзига хос мақомга эга: у миллий журналистикани асослади ва сафга қўшди. Бу санани мамлакат миқёсида кенг нишонланиши журналистика ва журналистларга, матбаачилик ва матбуотга эътиборни қаратиш, матбуотчилар ва матбаачиларнинг фидойиларча меҳнати олий мақомда эътироф этиш бўлур эди. Чунки «Тараққий» юртимизда Миллий Тараққиёт чироғини ёққан ва Ватанимизнинг, нафақат тугаётган асрда, балки янги-янги асарларда Ахборот ва Тафаккур неъматларидан баҳрамандлиги, уларнинг саодатига татигулик ҳамроҳ бўлишининг пойдеворини яратган миллий бойлигимиздир. Чунончи, бу йўлда олдимизда катта вазифалар турибди.

Бобир АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси, филология фанлари номзоди.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Қорақалпоғистон Республикасида «Биринчи одим» («Биринчи қадам») илк газета араб алифбосида чиқа бошлаганига етмиш йилдан ошди. Кейинчалик бу газета «Еркин Қорақалпоқ» номи билан чиқди. Дастлаб элликта, кейин 150 та нусхада чоп этилди. Ҳозир «Еркин Қорақалпоқстон» газетаси Қорақалпоғистон Республикасининг отахон газетаси ҳисобланади. Бундан ташқари саккизта республика, бир қанча кўп тиражли газета, журналлар нашр этилмоқда.

Йигирма бешинчи йили қорақалпоқ халқи биринчи марта ўз она тилида учта 1-синф учун «Алифбо», саводсизликни тугатиш ўқув китоби ва мустақил ўқиб-ўрганувчилар учун «Егелелер саўати («Грамота для взрослых») китобларини олишга муяссар бўлган. Бу уч китоб албатта республика аҳолисининг талабини қониқтирмасди. Шунинг учун мактаб дарсликлари билан бир қаторда турли соҳадаги адабиётларни нашр этиш зарур эди. Бунинг учун эса дастлаб республикада моддий-техника базаси, кадрлар масаласини ҳал қилиш зарур эди. Ижтимоий ташкилотларнинг ёрдами, ғамхўрлиги натижасида ўлкамизда матбуот ишларини ташкил қилишга, китоб матбуотининг шаклланишига барча имкониятлар яратилди.

Республика матбуоти қисқа вақт ичида тез суръатлар билан ривожланди. Ҳозирги Нукус полиграфкомбинати офсет усулида матбуотнинг барча турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарадиган ягона йирик саноат корхонасига айланди. Лекин бир нашриётнинг зиммасида адабиётнинг барча турларини — мактаб дарсликлари билан ўқув-методик адабиётларни нашр этиш китоб нашри ишларини қийинлаштириб қўйди. Шу муносабат билан саксон саккизинчи йилдан «Қорақалпоғистон» нашриётининг таркибида ўқув-педагогик адабиётларнинг Бош редакцияси ташкил қилинди. Икки йилдан кейин «Қорқалпоғистон» нашриёти иккига бўлиниб, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дарсликларни, ўқув-методик адабиётларни нашр этиш билан шуғулланадиган махсус «Билим» нашриёти тузилди. Ҳозирги пайтда республикамизда иккита нашриёт ишлаб турибди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, туманлар босмахоналари билан Нукус полиграфкомбинати моддий-техника жиҳатидан тўла таъминланмаган. Чунки бу ерда ишлатиладиган асбоб-ускуналар эскирган, уларнинг эҳтиёт қисмларини топиш амри маҳол. Унинг устига ҳаддан ташқари қиммат. Республика ҳукумати полиграфкомбинатни янги ускуналар билан таъминлаш мақсадида 41 миллион сўм ажратди. Нукус полиграфкомбинати қошида туманлар босмахоналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни яхшилаш учун марказлаштирилган бўлим очмоқчимиз. Яқинда «Билим» нашриёти учун 800 минг сўмга замонавий компьютерлар сотиб олинди. Уларда ишлаш учун бир неча ходим Тошкентда тайёрлов курсларини ўтаб келди. Компьютерлар машаққатли ишларимизни анча осонлаштиради, уларнинг сифатини яхшилашга имкон яратиши шубҳасиз.

Матбуот ходимларининг моддий ва ижтимоий шароитини яхшилаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш комитетнинг биринчи галдаги вазифасидир. Бироқ бозор муносабатларига ўтиш туфайли қоғоз маҳсулотларининг ҳаддан ташқари қимматга тушаётганлиги маҳсулотларимизнинг таннархини ошириб юборяпти. Шунга қарамай жойлардаги босмахоналар жойлашган туманлар ҳокимлари билан ҳамкорликда ойлик иш ҳақини вақтида олишга эришмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда асосий вазифа комитет таркибидаги корхоналар, ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий шароитини яхшилаш, оммавий ахборот воситалари, матбуот ва босмахона ходимлари ишларини тубдан яхшилашдан иборат. Республикамизда оммавий аборот воситаларини ривожлантириш уларни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш, журналистларнинг билимини ошириш мақсадида ижодий марказларда, Тошкентда ташкил қилинган курсларда ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси газета-журналларига юбориб, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш каби ишларни режалаштирганмиз. Ўйлаймизки, булар албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

Алламурот ЕСЕМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси матбуот давлат қўмитаси раиси.

ҲУЛКАР

Дил изҳори

Радио «қулоғини» бурайсиз. Ҳаво тўлқинларидан тиниқ бир қўшиқ учади:

Дугоналар, бормисиз,
омонмисиз,
Жам бўлишиб, очилишиб...
Гулзормисиз!

Қўшиқ ортидан бошланган турфа хил овозлар авж пардага етиб, кўнглингиз кенгликларига чўғ ташлайди. Дилингиз лолазорга айланади. Қип-қизил лолазорлар оралаб югуриб кетаверасиз. Олис қишлоқларгача етасиз. Ҳу, қирда қўй боқиб юрган чўпон аёл сизга чанқовузлар чалиб беради, тинглаб сел бўласиз. Кетмонига суяниб турган деҳқон аёлнинг хаёллари хаёлингизга уланади. Пахтакорнинг пахтаси камалак мисол рангланиб, пилла-корнинг пилласи шоҳи-атласга айланиб эгнингизда шитирлаётгандек бўлади. Тадбиркорнинг меҳнатидан ҳайратланасиз. Юз билан юзлашган момонинг ўгитлари сизни бир зум ўзлигингизга қайтаради. Ғўдагини бағрига босган келинчакнинг сирли аллаларига беихтиёр қўшилиб кетасиз...

«Сиз «Дугоналар» радиожурналини тингладингиз. Эшиттириш муаллифи Ҳулкар Тўраева!»

Хаёлингиз бўлинади. Ўтган лаҳзалар ичида сиз бутун ўзбек тупроғини кезиб чиққандек, ҳар бир ўзбек аёли ила юракдан суҳбат қургандек бўлдингиз. Шу сонияданоқ меҳрингизни қозонган радиожурнални ҳозиргина сиз эшитган ном эгаси тайёрлаганини ҳис этиб, сергак тортасиз.

Ўзбекистоннинг барча шаҳару қишлоқларида тез-тез хизмат сафарида бўлиш, минг бир касбдаги аёллар билан учрашиш, сўнг оҳанрабо тасмаларга туширилган суҳбатларни «журнал»га жамлаб, ҳаво мавжларига узатиш Ҳулкарнинг энг масъулиятли юмуши ҳисобланади. «Аёл-оила чироғи», «Соғлом авлод—Ватан келажаги», «Тадбиркорлик — аёлга ярашиқ», «Мактубларни очганда», «Қизи бор ҳовли», «Темурий маликалар» рукнларига мос қизиқарли ва мунозарали суҳбатларни тайёрлаш давомида у тинмай ўқиб-изланади, ўз устида ишлайди.

— «Дугоналар»нинг 40 йиллигини нишонлаш тадоригини кўряпмиз, — дейди у. — Шу йиллар давомида радиожурналга Ҳакима Илҳомова, Ҳафиза Ҳайитметова, Матлуба Исломова, Эсоной Содиқовадек тажрибали журналистлар муҳаррирлик қилишди. Мен ана шу устозларим издошиман. Ягона мақсадим «Дугоналар»ни бугунимизнинг нозик дидли ва талабчан хотинқизлари учун эъзозли журналга айлантиришдан иборат.

Ўзбекистон телерадикомпаниясининг 70 йиллиги нишонланаётган дамларда ҳамкасбимиз— «Дугоналар» радиожурнали муҳаррири, тийрак нигоҳли, изланувчан радиожурналист Ҳулкар Тўраеванинг серқирра ижодига парвозлар тиларканмиз, унга «Асло ҳориманг, дугонажон!» деймиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати.

ҒОЛИБНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Матбуот ходимлари куни арафасида мамлакатимиз бўйлаб хушхабар тарқалди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида 1995-96 йилларда газета-журналларда эълон қилинган ва радиотелевидениеда эшиттирилган «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» танловига келган ишлар нуфузли жюри аъзолари иштирокида кўриб чиқилди. Танлов ғолиблари қаторида ҳамкасбимиз, «Ўзбекистон овози» газетасининг ахборот ва спорт бўлими мудири Ҳайдар НОСИРОВ ҳам бор.

Ҳайдар Носировнинг ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки ярим йиллигида эълон қилинган «Байрам тантаналари ўйингоҳларга кўчади», «Қизғиш майдонаро сарғиш тўп ўйнар», «Ўғлонлар қўлида қуёш янглиғ тўп», «Туронзамин ёшлари меҳмон, тўйбошида ўзбегим мезбон» ва бошқа қатор мақолалари, очерк ва лавҳалари юксак баҳога сазовор бўлди.

Тажрибали журналистнинг 30 йиллик ҳалол меҳнати муносиб тақдирланди. Ёшларнинг севимли устози, тажрибали қаламкаш Ҳайдар Носировнинг ижодий муваффақиятлари бундан буён ҳам кўпайиб боришини жуда-жуда истаймиз. Унинг янги-янги ютуқларга эришишига тилакдошмиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.

ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИБ

Мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилишда республика газеталари муҳим ўрин тутади. Аммо, бу борада ҳали кўплаб нуқсонлар ҳам мавжуд. Танқид остига олинган раҳбарлар газеталарга холис ва адолатли жавоб беришга шошилмаяптилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Уббиниёз Аширбеков раҳбарлигида бўлиб ўтган мувофиқлаштириш кенгаши йиғилиши ана шу жиддий масалага бағишланди. Кенгаш йиғилишига бир қатор шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари таклиф қилинди.

Йиғилишда матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақола, танқидий чиқишларга ўз вақтида жавоб бериш кераклиги айтилди. Бу орқали матбуот таъсирчанлигини ошириш мумкинлигига эътибор қаратилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сафарнома

1. ОНА-ВАТАН ТЎҒРИСИДА ЎЙЛАР

Дунёда она меҳридан юксак муҳаббат, шифобахш куч, она меҳридан-да улуғ қудрат бўлмаса керак. Ана шу жонбахш меҳр туфайли ғудак туғилади, ёруғ дунёга илк қадамини босади, камол топади. Бу меҳр кўлами шундай беқиёси, уни на тощу тарозу билан ўлчаб бўлади, на сўз гавҳарларини тизиб тўла ифодалаб бўлади.

Афсуски, кўпчилигимиз ушбу ноёб дурдонанинг, тенги йўқ хазинанинг, бебаҳо қудратнинг қадрига ҳамма вақт ҳам ета оламиз деб айта олмайман. У бизга гойибдан берилган, берилиши ғуё шарт бўлган (ҳатто!) бир иньом сифатида қабул қилган-қараган ҳолларимиз ҳам бўлади баъзида. Уйнинг «супургиси»га айланиб қолади жабрдийда оналаримиз аксарият. Ҳаттоки, улар буни ўз истагиҳоҳиши билан қилади. Ўз истаги-ҳоҳиши билан фарзандлари қадамларига поёндоз бўлиб ёзилади мунис онахонлар, буни бахт деб билади ўзларига улар!

Ё, Оллоҳ, меҳр-муҳаббатнинг бундан-да сарбаланд чўққиси борми дунёда? Ёки ўз меҳрингни бандаларингга етказиш учун оналарни яратганмисан, ё қудрат?

Дарвоқе, поёндоз дедик. Бундан-да шарофатлироғи шуки, оналар ёруғ дунёдан кўз юмиб, ҳоки пойлари тупроққа қоришган чоғларда ҳам замин бағридан фарзандларига ризқу рўз бўлиб униб чиқади.

Балки, оналарнинг ниҳоясиз меҳри, табаррук ҳоки пойлари қоришгани учун ҳам, улар тимсолида туққан Заминга она — Ватан деб ном бермишлар.

Она замин, Ўзбекистоним! Барча фарзандларинг қатори мени ҳам қучоғингда асрадинг, бошимни силадинг, ўстирдинг, ундирдинг. Белимга қувват, кўзимга нур бўлдинг, пойимга тўшалдинг, онажон!

Мен-чи, мен? Меҳрингга меҳр билан жавоб бера олдимми? Бир умр босиб келаётганим — шу муқаддас тупроғингнинг қадру қимматига етиб, уни асраб-авайлаб сақлай олаётирманми? Фарзандлик бурчимни оқлай олаётирманми, онажон? Сенинг юрагингга кириб, орзу-ўйларингни, дарду ташвишларингни илғай оларманми, мунисгинам!

Қилган меҳр-муруввтингга, саҳоватингга ўз аъмолларим билан жавоб бера олмаган бўлсам, кечиргайсан мени, волидам!

Она-Ватан! Ҳазрат Навоий сайр қилган боғларингни, соҳибқирон Амир Темур тулпорининг туёғи теккан манзилларни, Жалолиддин кечган дарё-тоғларингни, Машраб, Бобур туғилган тупроқни, Муқимий, Маҳмур қадами теккан, тилга олган қишлоқларингни, қисқаси, аждодлар ҳоки — туроби ётган қадамжоларингни зиёрат қилиш, Истиқлол шарофати ила бунёдкорлик ишларини шиддат билан олиб бораётган мустақил фарзандларинг ҳаёти билан яқиндан танишиш ниятида кенг бағринг бўйлаб сафарга отландим.

Истибдод занжирини парчалаб, эркингни қўлга олиб, мустақил бўлганингга ҳам мана беш йил тўлай деб қолди, она диёр. Мустақиллик ижодкори бўлган улуғ сарбонинг сени юз йиллар орзу қилганинг юксак манзиллар, қутлуғ замонлар сари дадил бошлаяпти.

Шу дадил қадамлар суръатини, одамлар кайфиятини, янгича яшаш тарзини англаш ва шуларни имконим даражасида ватандошларимга етказишдир мақсадим, орзуўйим.

Кеча-кундуз хаёлимда-
ёдимда.
Зикр этарман номингни
ҳар одимда.
Сенинг васфинг мудомо
ижодимда,
Жоним фидо сенга,
Ўзбекистоним!

ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

Она-Ватан пойтахтига суқ билан боқиб, унинг жамолини кўкдан томоша қилаётганимни сезгандай, «учар от» қанотларини ўйнатиб ғузал Тошкент устида гир айланди.

Узоқроқдан, бир парча оқ булутни бошига соябон қилиб олган сарвқомат келиндай ўзига ярашиб тушган салобат ва ибо билан саломлашаётган телеминорага кўзим тушди. Унинг атрофида кўркам шаҳарнинг осмонўпар муҳташам бинолари, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси-ю Амир Темур хиёбони, Халқлар дўстлиги саройи-ю Алишер Навоий хиёбони янги либосли канизаклардай «пойингизга гуллар тасаддуқ» дегандай рўмолларини силкитиб таъзимда турибди ғуё.

Самолёт пастлар экан, пойтахт ҳуснига холдек ярашиб, унга кўрк бериб турган архитектура жиҳатдан ниҳоятда ғузал қурилган қатор осмонўпар бинолар кўз олдимдан «лип-лип» ўтиб, юрагимга аллақандай ёлқин ташлаб орқада қолиб кетди.

Тайёрагоҳдан шаҳар томон чиқаётиб, унинг қисқа бир вақт оралиғида тубдан янгиланиб-жамол очиб бораётганидан ҳайратландим. Унинг камолига бир зум беихтиёр тикилиб қолибман. Мустақил Ватанимизнинг чор тарафидан келаётган, учиш учун парвозга шошаётган «пўлат қуш»лар кўзимни ўйнатди. Шу пайт аэропорт хизматчиларидан биттаси — аёл кишининг «Самолёт Пекиндан келди» деган майин товуши қулоғимга чалинди. Олдинги бир сафаримда «учар гилам»нинг Нью-Йоркдан келиб Тошкент бағрига майин қўнганлигининг гувоҳи бўлган эдим... Қаранг, мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, Марказий Осиёнинг гултожи бўлмиш азим Тошкент дунёни ўзига оҳанрабодек тортяпти! Ҳиссиётим чегара билмай қолди, вужудимни ғурур эгаллади, бошимни кўтардим.

Бунинг боиси бор-да! Узоққа бормайлик. Яқин ўн йилликни олинг. Хориждаги бирон-бир мамлакатга бормоқчи бўлганимизда, олдимизда қанчалик тусиқлар пайдо қилардилар. Неча-неча чиғириқлардан ўтиб, марказ аэропортига элтишарди. У жойда ҳам бир неча соат, кун адо бўлиб кутгач, худди бир гуноҳкор одамга қарагандай муносабат билдириб, авра-астарингни ағдаришарди. Самолётга чиқиб олгунингча, шунга ўхшаш турли-туман ҳақоратлар остида кайфинг учиб, дунёга келганингга пушаймон бўларди киши.

Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, мана энди озодлик насими эсиб, мамлакатимиз халқи эркин нафас олмоқда. Дунёнинг қай жойига боришни ҳавас қилсанг, йили деб эълон қилинди. Соҳибқироннинг 660 йиллик тўйига муносиб совға — Темурийлар тарихи давлат музейи барпо қилинаётган экан, шу қурилишни айландик. Ушбу қад ростлаган жой миллий меъморчилигимизнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган афсонавий бино бўлади. Залларига телекоммуникациянинг энг замонавий воситалари ўрнатилади, — дейишди шу ерда хизмат қилаётган жонкуярлардан биттаси мағрур бир оҳангда.

Куннинг иккинчи ярмида шаҳарнинг Эски Жўва мажмуини кўздан кечирдик. Маҳобатли қатор гумбазлар атрофида ўттиздан кўпроқ устахоналар жойлаштирилган. Халқ ҳунармандчилик масканини икки соатлаб томоша қилдим. Халқимизнинг қадимий ўтмишини бугунги кун билан боғлаб турган амалий санъат усталарининг қўлидан чиққан нақшин пичоқлар, кандакорлик, кулолчилик буюмлари, совғабоп гиламлар-у ёғочдан ўйиб, зеб бериб тайёрланган турли ўйрўзгор асбоблари, кўз ўйнатиб турган эсдалик буюмлари борлигимни мафтун этганди ўзига.

Суриштирдим. Ушбу анжомларнинг бари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, халққа хизмати сингган Абдураҳим Умаров раҳбарлигидаги «Усто» бирлашмаси ҳунармандлари қўлида сайқал топган. Ҳозирда бу усталар халқ амалий санъатининг 30 йуналишида фаолият кўрсатмоқдалар, ўзбек халқининг ўлмас санъатини жаҳонга танитмоқдалар...

Эртаси куни фарзандларим менга Қоратош, Сағбонда, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Ҳамза туманларининг энг хушманзара жойларини кўрсатишди.

Қисқаси, шу кунларда мамлакатимиз юраги Тошкентда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Пойтахт аҳолиси 2 миллиондан ошиб кетибди. Шаҳар ҳам энига, ҳам бўйига ўсяпти. Янги қурилган, қайта тикланган шаҳардаги шарқона услубда кенг, харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам қулай, барча имкониятлар яратилган бозорларни кўрган кўз қувониши табиий. Олой бозорини кўриб, таний олмай қолдим. Отчопар, Миробод, Паркент, Бешёғоч, Бектемир бозорларида бунёдкорлик ишлари давом этяпти.

Хуллас, жонажон Тошкентимиз чинакамига Шарқ дарвозаси бўлибди.

Шаҳар ҳуснига ҳусн бағишлаб турган, жаҳонни лол қолдира оладиган ҳашаматли биноларни барпо этаётган, шаҳар чиройига чирой қўшаётган меҳнатсевар, камсуқум халқимга дил-дилдан тасаннолар айтиб, таъзим бажо келтираман.

Мустақиллик байроғи бошинг узра абадий ҳилпирайверсин, менинг тинчлик, дўстлик шаҳрим, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар кезган, Ойбеку Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳору Шайхзода, Ҳамид Олимжону Ғайратийларнинг ижод булоғи, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар каби истеъдодларга парвоз ато этган меҳрибон ва саховатли юртим, Макка-Мадина шаҳрим — Тошкентим!

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Навбат — Наманган вилоятига.

52 ЙИЛ БИР ЖОЙДА

Мен босмахонага 1944 йилда ишга келганимда ўн уч яшар қизалоқ эдим. Уруш давом этар, рўзғорга у-бу нарса топиш илинжида ишга киргандим. Тўғри, ҳозир 13 яшар ўсмир ўйинқароқлик қилиб юриши мумкин. Бу ҳам замонамизнинг яхшилигидан. Лекин бизнинг давримиз бошқача эди.

Шунча йилдан буён меҳнат дафтарчамда бир сатр ёзилган. Мен бу билан фахрланаман. Ўтган давр мобайнида корхонамиз парвози, камолига ўзим гувоҳман. Бош директоримиз билан бир сафда ишлашиб келаётган Соломон Могилевский, Зоҳид Назаров каби фахрийларимиз шундай кунга етиб келганимиз билан фахрланамиз. Ишончимиз комилки, бугунги ёш авлод биз яратган анъанани муносиб давом эттиради.

Александра АВЕРКЕЕВА,
муқовасозлик цехи ишчиси.

Марказий Осиёда энг йирик ноширлик-матбаа марказининг ташкил этилганига 75 йил тўлди

«МЕН «ШАРҚ»ДАН КЕЛАЁТИРМАН!»



ЁШЛАРГА ИШОНЧ БОР

Тошкент тўқимачилик институтини полиграфия факультетини ўтган йили тугалладим. Муҳандис-технолог вазифасига ўтганимга эндигина уч ой бўлди. Бу ерда ёш мутахассисларга нисбатан алоҳида меҳр, илиқлик вужудга келгани мени қувонтирди. Ҳамманинг ўйлагани битта нарса: жуда катта нуфузга эришган корхона шарафини эъзозлаш, унинг тарихига янги, ўчмас саҳифалар битиш.

Ишлаб чиқариш технологияси замонавий асбоб-ускуналарга асосланаётганлиги туфайли ёшларга таяниб иш юритилмоқда. «Шарқ» концернида тайёрланган маҳсулот, ҳеч шубҳасиз, олий сифат даражасида бўлиши керак деган мезон асосий шиоримизга айланган.

Нарзулла ҲАМРОЕВ,
цех устаси.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини жаҳонга баралла эълон қилган дамлар эди. Собиқ компартия тасарруфидаги мулку ашёлар, идораю муассасалар мустақил юртимиз ихтиёрига ўтказила бошланди. Ўша кунлари биз, қаламкашлар ўртасида бир гап тарқалди. Собиқ компартия марказқўми нашриёти янгича мақомга эга бўлади, ҳозир унга муносиб ном излашяпти. Кимдир «Тараққиёт» деган атамани таклиф қилди, яна биров «Зиёли», бошқа одам шунга ўхшаш яна бир номни айтди. Шундай кунларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини ташкил этиш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Юртбошимиз имзо чеккан бу ҳужжат ўзининг бой анъаналарига эга, Шарққа машъал корхона даражасига кўтарилган жамоа учун юксак баҳо эди. Қадим Шарқнинг азалий қадриятларига содиқ қолган, жаҳон айвонида Ўзбекистоннинг ўз қиёфасини ифодалашда муносиб хизмати бўлган аҳил ва иноқ оила учун «Шарқ» номи узукка қўйилган кўздай ярашиб тушди. Гўё улуғ Ғафур Ғуломнинг «Мен Шарқдан келаётирман» деган гулдурак овози яна жаранглагандай бўлди.

Хўш, бугунги кунда галдаги манзилига етиб келиб ўтмиш салафларига таъзим қилаётган, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида истиқбол сари интилаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни қайси жиҳатлари билан Ўзбекистонни намоён этади? Саволни шундай тахлитда қўяр эканмиз корхона муҳри билан тайёрланаётган барча маҳсулотлар жаҳон андозалари поғонасига чиқиб олганини зўр ифтихор ила таъкидлаймиз. Яшириб нима қиламиз, бундан атиги икки-уч йил муқаддам «Тошкентда чиқаётган газеталар қўрғошин усулидан тўла воз кечади, ҳаммаси компьютерлар орқали тайёрланади», деган гап айтилганда ишонмаганлар жуда кўп бўлди. «Шубҳа қилганларни ишонтириш учун овора бўлманглар, — деди концерн раҳбари Ислом ака ўз одатига мос ишчанлик оҳангида, — биз буни амалда кўрсатамиз». Худди шундай бўлди. Ақлли машиналар ишчининг қўлларини қорамойдан халос қилди. Энди битта терилган матнни истаган шаклу шамойилга мослаштириш мумкин. Илгаригидек, саҳифаловчилар сарлавҳа цехида навбатда туришмайди, тегишли тугмачани босиб буйруқ берсангиз бас — истагингиз бажо келтирилади. Бу матбаачиликда чинакам инқилоб эди.

Концерн жамоаси бундай янгиланишга осонлик билан эришгани йўқ. Энг аввало юртбошимиз асос солган тамойил — янги уй қурмай туриб эскисини бузмаслик йўлидан борилди. Аслида бугунги 75 йиллик санани нишонлаш ҳам энг аввало азалий иморатни солганларни ёдга олиш, меҳнат кишисини эъзозлаш анъаналари билан боғлиқ.

Биз концерннинг мустақилликка эришилган даврдаги муваффақиятларига алоҳида урғу бергимиз келади. Негаки, илгари «марказ» изми билан ишлаган, унинг хоҳиш-иродасидан четга чиқолмаган корхона мустабидлик занжирларидан қутулгач, қўл-оёғини ёзди. Эндиликда Буюк Британия билан ҳамкорликда яратилган «Ўзбек-Ксерокс», Американинг «Фламинго» фирмаси билан вужудга келган «Афросиёб» савдо-мажмуи, «Шарқ Мир ЛТД» Ўзбекистон—Туркия супермаркети, АҚШнинг «МЗ пасифик» фирмаси билан «Ал-Фаросат» КС компьютерлар йиғими бўйича линияни лойиҳалаштириш ва ўрнатиш каби қўшма корхоналар Ўзбекистонга хориж сармояларини жалб этмоқда. Зотан, чет эл билан ҳамкорлик қилмаган корхонанинг истиқболи йўқ, деган бугунги кун талаби концерн раҳбариятининг шиорига айланмоқда.

Бугун нишонланаётган сана шарафига чиқарилган «Саодат манзиллари» китобида (дарвоқе, бу битик бир неча йил олдин чоп этилган «Шарқ машъали» асарининг мантиқий давоми) эришилаётган муваффақият омиллари қаторида интизом ва тартибга риоя этиш алоҳида таъкидланади. Агар таъбир жоиз бўлса, концернда йўлга қўйилган иш тарзини аниқ ҳаракат қилувчи соат механизмига муқояса қилиш мумкин. Дастгоҳ ёнидаги ишчидан цех бошлиғигача, ишлаб чиқариш устахонасидан комплекс раҳбаригача — ҳамма-ҳамма ўз вазифасини аниқ билади. Энг муҳими, мутахассислар ўзлари ишлаётган корхона қандай мавқега, шарафга эга эканлигини юракдан ҳис этадилар. Ана шу масъулият ютуқлар учун поёндоз бўлаверади.

Газетхонга тушунарли бўлиши учун фикримни бир мисол билан асослай. Илгари биз ишлаётган таҳририят бевосита концернинг узвий бўлаги саналиб, молиявий жиҳатдан ҳам яхлит ҳисоб-китоб кетарди. Бирор муҳим топшириқ юзасидан шошилинч сафарга чиқиш зарурати туғилса, ижодий ходим атиги 10-15 дақиқа ичида кассадан хизмат сафари учун тегишли пулни олиш имкониятига эга эди. Энди эса бир кун олдин банкка буюртма бериш керак ва яна қанча оворагарчилик... Бу концерндаги ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини акс эттирувчи оддий мисол, холос.

Албатта, таҳририятимиз молиявий рўзғорини алоҳида қилган бўлса-да, иш фаолиятимизни «Шарқ» концернидан алоҳида тасаввур этолмаймиз. Эрта тонгда чоп этилаётган барча газеталарнинг сўнгги саҳифасида концерннинг муҳри бор. Миллий матбуотимиз ва «Шарқ» концернининг 75 йиллик тўйи бир кунда нишонланишида ҳам ўзига хос рамзийлик кўрамиз. Сўз сеҳри билан оммага мурожаат қилаётган барча журналистларимиз ўзларини «Шарқ»қа фарзанд деб биладилар.

Ҳарф териш цехида илгаригидек линотип машиналар шовқинини эшитмайсиз. Операторлар шинам, саришта хоналарда ғайрат билан ишлашади.

***

— Саҳифа ўқишга тайёр, — дейди Тамара Крикунова саҳифаловчи Қодиржон Қаюмовга.

***

Суратларни тайёрлаш бўлими ходими Юрий Солодовников ўз ишига талабчанлик билан ёндашади.



Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

«САОДАТ МАНЗИЛЛАРИ»ДАН САТРЛАР

Бугун нишонланаётган сана шарафига «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти Ислом Шоғуломовнинг «Саодат манзиллари» китобини чоп этди. Қуйидаги сатрлар ана шу китобдан олинган.

Ер юзидаги ўз номига муносиб халқлардан бири бўлган ўзбек миллатининг ҳам миллий матбаачилик маданияти тарихий ва табаррук воқеаларга бойдир.

* * *

Адиб, ёзувчи, журналист, давлат арбоби Шароф Рашидов каромат қилиб, шундай деган эдилар: *«Бундан буён матбуот-матбаа уйи журналистларга, матбаачилар ва умуман, республикамиз зиёлиларига бир умр хизмат қилади ва уларнинг ижодий уйлари бўлиб қолади. Ишончим комилки, бу зиё маскани янада ривожланиб, замонавий матбуот, матбаа, ноширчилик мажмуаси даражасига етиб олади».*

* * *

Концернимиз босмахонасининг сўнгги 3-4 йилда ўтган даври жаҳон матбаачилиги техникаси ва технологияси билан тўлиқ қуролланиш йиллари бўлди.

* * *

Давр олдимизга янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Биз қийинчиликларни енгиб урганган халққа мансубмиз, корхона шарафи заҳматини чеккан минглаб жонкуяр фидойи мутахассисларга, замонавий техникага эгамиз.

* * *

Абадият қадар давом этажак касбимизнинг умрбоқий қадриятлари буладиган удумлар кўз қорачиғидек асралиши лозим.

КАМАРБАСТАМИЗ

Меҳнат фаолиятимни «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида бошлаб, кейинчалик концерн бағрида униб-ўсаётганим журналистлар ва ноширлар ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади.

Таҳририятлардан келиб тушган матнни тезкорлик билан компьютерга тушириш Шарофат Мингнорова, Гуля Содиқова сингари ходимларимиз алоҳида намуна кўрсатишмоқда. Илғор саҳифаловчилар қаторида Бахтиёр Кушаков, Қодиржон Қаюмовларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Тайёрланаётган сонга келтирилган суратларни сифатли ҳозирлашда Людмила Зайцева, Юрий Солодовниковлар ўз ишларининг устасидир.

Эрта тонгда ишга келаётганимда рўзномалар дўкони олдида саф тортиб турган одамлар газетанинг янги сонини ташналик билан ўқишаётганини кўрсам руҳимда ажиб бир кайфият пайдо бўлади. Эзгу ишга дахлдорлик туйғуси бизни янада янги марраларга чорлайди.

Ғуломжон ҲАКИМОВ,
газета комплекси бошлиғи.

Ўчмасин ёнган чироғинг

ЎТТИЗ БИРНИНГ ЧАНҚОҚ КЎЗЛАРИ

Гуллар жилмаяди, ҳайрат тошади,
Кумфилар тилидан сайраётган боғ.
Ўттиздан ошмиш бу кун ошади
Ва Сиздан ошини сўраётган ҳаёт.

Чанқоқларда ҳушнуд-қизғалдоқ ёнди,
Аванги Дийдорда ховуллайди ғиж.
Дунё Айриликдан зерикди, тонди,
Кўнгилчан, дунёга қизиқиш ғиж.

Бир-иккки оқ ғолмиш сочингиз силаб,
Болалик эртасин кўрсаркан такфор:
Болаларин исмин бизлардан тилаб,
Остона бош урар анжоҳ баҳор.

Алифдек болларнинг қадди тушмиш дол,
Ҳовуллари титраб сиқирар шабнам,
Мажнун лақабига лойиқ бўйсиз тол,
Ер ғизиб турадир тераклар барҳам.

Тўрада қолдирмоқ... тинчлик тиқар ин,
Ғоҳи кўкимзга тўкиб хасларни.
Тўқрман эртанги, кирганда майин,
Авад дарчасидан келмиш саслари.

Қушлар бир-бирига тунлар сиғинар
Ўтиб кетган дунё — дунёлик оҳи,
Кетаётган йиллар бағрим сиғинарда.
Сизни сиғиб тўсмоқ этаман ғоҳи.

Дилиф кеймишларнинг, билдим, шу бўлди, —
Ёлғиз юрак анлар сирли мантиқин...
Нозанин кўзларим ёшларга тўлди,
Кўзингиз ёнқамиш, ғоҳи, тантиним.

Гуллар жилмаяди, ҳайрат тошади...

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
концерн Бош таҳририяти муҳаррири.

САЛОМАТЛИГИНГИЗ КЕРАК

Қутлуғ даргоҳимизда қирқ-эллик йилдан буён ишлаб келаётган фахрийлар анчагина. Бунга сабаб нима?

Касбга меҳрдан дейишади. Тўғри гап, айни пайтда ўша одамларнинг саломатлиги мустаҳкам эканлигидан ҳам.

Биз, тиббиёт ходимлари ўртасида «Касалликни даволашдан олдини олган яхши» деган ибора бор. Қибрай туманининг хушманзара гўшасида жойлашган «Навбаҳор» сиҳатгоҳимиз меҳнат жамоаси асосан меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш билан шуғулланади. Мен сиҳатгоҳда хизмат маданияти юксаклиги ҳақида мақтанмайину ёзувчи Ҳамид Жалолов, ҳайдовчи Меливой Тўлаганов каби мижозларимиз йигирма бир йилдан буён муттасил бизда дам олишаётганини айта қолай. Фурсатдан фойдаланиб барча ижодкорларни бизда муолажа олишга таклиф қиламан. Саломатлигингиз керак!

Камол АКРОМОВ,
концернга қарашли «Навбаҳор» сиҳатгоҳи бош шифокори.

«Шарқ» концернининг 75 йиллигига бағишланган материалларни Шуҳрат ЖАББОРОВ тайёрлади

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Миср Президенти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган АҚШ, Россия, Франция, Хитой ва Буюк Британия давлат раҳбарларига хат йўллади. Унда Ҳусни Муборак араб мамлакатларининг Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини давом эттириш борасидаги ҳаракатларини давом эттиришини тасдиқлади.

***

Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний ўзининг собиқ муҳолифи, Афғонистон Ислом партияси раҳбари Гулбиддин Ҳикматиёрнинг Қобул ҳукуматини бошқаришга розилик берганлигини табриклади. Президентнинг фикрича, бу Афғонистонда тинчликни ўрнатишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

***

Россия Президенти Борис Ельцин Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосарлари бўлган Владимир Рубанов ва Александр Трошинларни ўз лавозимидан озод этди. Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосарлари этиб Владимир Денисов ва Сергей Харламовлар тайинланди.

БЕШИНЧИ ҚАВАТ ҲЕЧ НАРСАМАС, УЧИНЧИДАН ЙИҚИЛА КЎРМАНГ

Воронежнинг Павловск шаҳарчасидаги кўп қаватли уйларнинг бирида фожиа юз берди. Бешинчи қаватда яшовчи жувон ярим тунда балкондан ерга қулаб тушди, бироқ ҳеч нарса бўлмади, агарки юзи ва билаклари сидирилиб кетганини ҳисобга олмаганда.

Жувон йиқилган пайт ундан икки қават пастда яшовчи Николай балконда сигарет чекаётган эди. Аёлнинг йиқилганини кўриб, жаҳли чиқди: «Яна кўпроқ ичиб кел, йиқилиб тушишдан қутиласан» ғудранганча ичкари хонага кириб кетди. Аёл доим ичиб келгани учун Николай уни ёмон кўрарди. Шу важдан бўлса керак, аёл холидан хабар олиш учун пастга тушмади. Бир пайт кўча шовқин-суронга тўлиб кетди. Николай яна балконга чиқди. Пастда милиция, тез ёрдамда етиб келган дўхтирлар қуймаланишарди. Николай жувонга нима бўлганини билмоқ учун пастга энгашиб қаради ва кўзи тиниб кетди...

Николай ўзига келиб қараса... бояги ёмон кўрган жувон билан тиббий ёрдам машинасида кетишмоқда эди. Ажабланарлиси шуки, жувон ҳеч нарса бўлмагандек ўтириб борарди, Николай эса оёғи ва қўли сингани учун ўрнидан туролмасди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ОНАСИНИНГ ИШИ БИЛАН ТАНИШМОҚЧИ ЭДИ

Куженерск яқинидаги Ивансол қишлоғида яшовчи тўрт ёшли Маша Поликарпова онасининг иши билан танишаётиб даҳшатли ўлимга юз тутди. Гап шундаки, ўша куни болалар боғчаси ишламади. Қишлоқ аёллари болаларини ўзлари билан бирга ўз иш жойлари — фермага олиб боришди, шунингдек, Маша ҳам онаси билан борди, негаки, уйда уни қарайдиган одам йўқ эди.

Маша аввалига фермада онасига эргашиб юрди. Сўнг бузоқларга қизиқиши ортди шекилли нарига кетди. Яна нарироққа бориб, автоматлента сигир гўнгларини ташқарига олиб чиқиб ташлаётганини тамоша қилди. Анча кузатди, сўнг онасига қаради, у ўз иши билан банд эди. Шунда Маша автомат-лентага чиқиб, ўтириб олди. Бироқ онаси ҳаллослаб етиб келганда... лента Машани гўнг билан бирга ферма ташқарисидаги улкан чуқурга ташлаб юборган эди. Чуқурдаги гўнг суюқ бўлгани учун Машани қутқариб қолишнинг иложи бўлмади.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОҚАДИ

Львов шаҳри марказидаги бозорлардан бирида ҳар кун эрталаб бир ит пайдо бўлади. У пештахталар оралаб, қассобхонанинг олдига келади ва айнан одамлар ўтадиган йўлакка ўтириб олади. Табиийки, харидорлар бу баҳайбат итдан қўрқишиб қассоб пештахтасига келишолмайди. Қассобга эса харидор керак.

Аввалига қассоб итни ҳайдаб кўрди. Ит тушмагур ириллаб кетмади. Нима қилиш керак? Бир парча гўшт ташлади. Ит уни еди-да, лапанглаб кейинги қатордаги қассобнинг олдига кетди. Ўшандан бери қассоблар унинг «дарди»ни билиб олишган. У келиб ўтириши билан бир парча эт ташлашади, ит ҳам энди интизор эмас. Дарҳол, ейди-да, кейинги қассобга боради, сўнг яна кейингисига. Ҳайратланарлиси шундаки, эндиликда бу ит гўштнинг ортиқчасини уйига олиб кетмоқда — заҳира қилаётган бўлса керак-да.

Қассобларнинг айтишича, мана неча кундирки, бу воқеа фақат эрталаб такрорланади.

ЎН МАРТАЛАБ ЭГИЗАК ТУҚҚАН

ДАРҲАҚИҚАТ, сарлавҳани ўқиб ишонмайсиз-а? Лекин сизни ишонишга мажбурламаймиз. Воқеликни баён қилиб қўя қолямиз.

Мария Морейра Гонсалвиш Рио-де-Жанейрода яшайди. Унинг бошқа аёллардан фарқи шундаки, у жуда «серпушт». Шу пайтгача унинг ўн марта кўзи ёриган. Шуниси ажабланарлики, ўн маротаба ҳам эгизак туққан. Ҳозир ёши 50 дан ошиб кетган бўлсада, ҳали бардам. Бироқ энди туғишни бас қилган-ов.

ТУГМА «ЖИННИСИ»

ОДАМЗОТНИНГ феъли қизиқ, кимдир нимагадир ёки кимгадир ишқ қўйиб яшайди. Шу боисдан ҳам «шохнинг ишқи қурбақага тушибди» деган гап пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. АҚШнинг Иллинойс штатига қарашли Бишопхилл шаҳрида истиқомат қилувчи Дальтон Стивензнинг ишқи тугмачага тушган. У тугма «жинниси». Турли-туман тугмаларни йиққани-йиққан. Бу ҳам етмагандек бор буюмларини тугмалар билан безаганига нима дейсиз? Мана масалан, банжосини (негрларнинг торли мусиқа асбоби) уч юзта, кийим-кечакларини ўн олти мингдан зиёд, гитарасини уч мингдан ортиқ, ҳатто автомобилини ҳам юз мингта турли тугмачалар билан безатган.

ШИЛЛИҚҚУРТ ТУХУМИМИ, Ё?..

ШВЕЙЦАРИЯЛИК фермер Жачинто Бонтемпи неча йилдирки товуқ боқади. У ҳеч ўйламаган эди, товуқларим қачондир муъжиза яратади, деб. Мана энди... Гап шундаки, у бир куни эрталаб товуқ катакларидан тухум йиғаётган эди. Не кўз билан кўрсинки, бир товуғи муъжиза яратибди, яъни тухумининг кўриниши ғаройиб — улкан шиллиққурт чиғаноғига ўхшарди.

Бонтемпи унинг ичида нима борлигига жуда қизиқди, бироқ ёриб кўрмади. Уни шаҳар музейларидан бирига топширди.

Илк учрашув

УКАМ ҒАНИШЕРГА

Бағрим,
Туғишганим,
Орзудай эзгу.
Мусаффо кунларнинг танҳо султони —
Шаффоф хаёлингда кезмасин ғулу
Мен бахтли бўларман албатта жоним.
Ишон,
Ғар, ғирромлик қилса ҳам тақдир,
Шодмонлик шаробин ичурман қониб,
Ғар, умрим,
Саробга отилган ўқдир,
Ғарчи бир лаҳзага етур имконим,
Бир лаҳза,
Юлдузлар ғуломлик қилар
Менинг севинчимга жўр бўлар ДУНЁ
Парилар сочимни қирқ кокил ўрар
Бари бир лаҳзада рўй берур гўё.
Фақат сен...
Қаландар кўнгилдан ўксима бағрим
Мен шундай яралдим,
Шундай ўламан,
Мабодо толеи юксак бўлмасам
Дунёда энг буюк бахтсиз бўламан.

***

«Фалак фалаклигин қилди» ногаҳон,
Кўнгил куйиб кетди қатлингдан беун.
Бир парча меҳрингни тутдингми дариғ,
Эй, қаҳри қотилим,
Дили беучқун.
Изларингда чечак ундирдим,
Ашким билан суғордим қара!
Бас қил! Сочим силама, зинҳор
Фурқатларнинг кипригин тара.
Мен осмонни этмадим тортиқ
Юрагингни қучмадим қониб
Фақат севдим ҳаммадан ортиқ
Фақат ёндим ўзимдан тониб.
Бахтлиларнинг юзига боқиб,
Исминг солиб қуйладим қўшиқ
Мен телбага қулавердилар
Иғволарнинг бўрони жўшиб.
Сариқ гулнинг баргига ўраб,
Нечун авраб ичирдинг заҳар,
Кўнгил куйиб кетди оғунгдан
Кўнгил куйиб кетди тонг саҳар.

Озода БЕКМУРОДОВА.

МУҲАББАТ, БИР БАЛАНД ҚОЯ БЎЛ

Муҳаббат, овунчим бўлгиней,
Мен сени қучоқлаб яшайин.
Муҳаббат, суянчим бўлгиней,
Мен сени ардоқлаб яшайин.

Муҳаббат, сен бўлгин кенг само —
Бағрингда қуш бўлиб учайин.
Муҳаббат, сен бўлки бир дунё —
Армонсиз қиз бўлиб яшайин.

Муҳаббат, сен бўлсанг бир дарё —
Мавж ўрган ирмоғинг мен бўлай.
Сен бўлсанг мабодо бир гиёҳ —
Энг нафис яproғинг мен бўлай.

Муҳаббат, бир баланд қоя бўл —
Мен унга интилиб яшайин.
Муҳаббат, ягона Каъбам бўл —
Мен сенга сиғиниб яшайин.

***

Қушнинг қанотига илинган хатим,
Бугун сен томонга учиб боради.
Алам-ла ёзилган ундаги байтим,
Гўё еру кўкни қучиб боради.

Хатим сарлавҳаси азобли «Ҳижрон»
Кўз ёш-ла терилган унинг ҳарфлари.
Меҳрга лиммо-лим юракда армон —
Қоғозга тўкилар унинг дардлари.

Кенг осмон дардманди бўлади унинг,
Безовта қушчалар бўлар парвона.
Йўлимда гирёна бахтингдир сенинг —
Фақат Оллоҳ сенга дўсту ҳамхона...

***

Азобли армонни қучиб бораман,
Адоқсиз йўлларда учиб бораман,
Дунёдан шу тақлид кечиб бораман —
Агар сен келмасанг...

Тонглардан излайман бугун шабнамни,
Кўзларда қурган бир гулгун намни.
Юракда туяман улкан бир ғамни —
Агар сен келмасанг...

***

Сизни кўргим келмоқда чунон,
Кўзларимдек гирён дераза.
Соғинчларим қалбимга султон,
Ҳижрон экан энг улуғ жазо.

Сизни жуда соғинган оним—,
Кунни ўтдим тунларга улаб.
Зуҳро юлдуз бўлди меҳроним —
Тўлин ойни келди етаклаб...

Гулшан РАҲМОН қизи.

ОЙГА ҲАМ ЎХШАТГИМ КЕЛМАЙДИ СИЗНИ

Ҳамдамимсиз меҳрибон онам,
Мен ташвиш-ла бўлсам овора.
Инжиқлигим ҳалдан ошса ҳам,
«Мен чарчадим» демайсиз сира.

Агар юлдузларга ўхшатсам сизни,
Юлдузлар ёқиқиу, бағри иссиқмас.
Агар шамолларга ўхшатсам сизни,
Шамоллар ҳам сиздек кўнглимни топмас.

Қуёшга ўхшатсам онажон, сизни,
Кечалар бошимда туролмайди у.
Ойга ҳам ўхшатгим келмайди сизни —
Менга алла айтиб беролмайди у.

***

Яна қачон қайтиб келасан баҳор,
Боғларни гулларга кўмиб, яшнатиб.
Яна қачон қайтиб келар турналар,
Мовий кўк бағрига аргимчоқ солиб.

Тезроқ етиб келса гулбаҳор,
Юртимнинг музлари эриб йўқолса.
Шовқин солиб қайтган турналар.
Мудраган боғларни тезроқ уйғотса.

Баҳор гулларининг ширин исига
Тўлиб кетса менинг бу она юртим.
Қушларнинг ширали майин сасига
Қулоқ солсанг тинмай қайта-қайта жим...

***

Кутгил юрак, бироз сабр қил,
Яна бир дам тўхтагил фурсат,
Ёлғон ишққа учмагил кўнгил,
Қалбга меҳмон бўлма, муҳаббат.

Юрак, бироз сабр қил яна,
Синовлардан хатлаб ўтиб кут.
Ишқимизни оқлай олмаса —
Ўтинаман, сен уни унут.

***

Ўтиб кеттан бахтимни эслаб,
Узун тунлар хаёл сураман.
Болаликка қайтолмай бўзлаб,
Ойга ҳамроҳ бўлиб юраман.

Мени изланг баҳор келганда
Бинафша гул яproқларидан.
Мени изланг оқшом чўкканда
Тўлин ойнинг қароқларидан.

***

Соғинаман вақт ўтган сайин,
Сўзларим рост, азизим, ишон.
Энди сени унутмоқ қийин,
Унутмоққа қолмади имкон.

АДИБА.

СЕНСИЗ

Кўчалардан интизор излама мени,
Энди тинч кўй, азизим, эслама мени.
Сендан кетдим — дардманд бўлиб, бош эгиб —
Ўтинчим: бенишон эзмагин мени.

Ёлғон тақдир қўлларига тирмашдим,
Ёлвориб гоҳ ўргимчакдек чирмашдим.
Ҳисларимнинг уволига мен сўқир —
Қолмайин деб бахтим учун курашдим.

Йўлларимни тўсган ишқ сармояси,
Севгимикин ёки унинг сояси.
Чорасиз оҳуман, нетайин сенсиз —
Завол топди бахтнинг улкан қояси...

Феруза МУҲАММАТОВА

ЎЗБЕКИСТОН

Узоқ ўтмиш йўлларидан мардона ўтган,
Тинчлик, тенглик байроғини қўлларга тутган.
Дўстлар келса кўксин очиб севинч-ла қутган —
Истиқлолга эришган юрт — тилда достоним,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистоним.

Саратони гул-боғларин обдон қиздирган,
Алпомишдай ўғлонларин кучга тўлдирган,
Юрт бошига толе қушин чорлаб қўндирган —
Болажон эл, матонату гулга маконим,
Кўнгил кўзларига қувват — Ўзбекистоним.

Шоирликка даъвом йўқдир аслида менинг,
Боғларида бир гул бўлай озод юртимнинг.
Қаторида юргим келар Абдуллаларнинг —
Қалби қайноқ, бағри осмон — ҳур гулистоним,
Келажаги буюк давлат — Ўзбекистоним.

Абдулла ҚУРБОНОВ.

Қарор ва ижро

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

Деновда футболни севадиганлар бисёр. Уч йил аввал ўз футбол жамоаларига эга бўлишни орзу қилишарди. Ҳозир Агросаноат комплекси лаёқатли футболчиларидан АСК жамоасини ташкил қилган.

Спорт

Бугунга келиб жамоамиз футболчилари миллий чемпионатнинг иккинчи лигасида тўп сурмоқда, — дейди Агросаноат комплекси директори Аваз Алланов. — Мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришга бағишланган қарор эса айни муддао бўлди. Жамоа тўла шаклланди, футболчиларга шароитлар яратилди. Машқ маскани, ювиниш, кийиниш хоналари ҳавас қилгулик. Янги автобус, спорт кийимлари ва тўплар етарли. АСК ўтган йили чемпионатда етакчилик қилганди. Бу йил эса ўйинчиларимиз юқори лигага чиқишни кўзлашмоқда. Ўйлаймизки, йигитларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турсак, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир футболчига 1,5-2 минг сўмдан маош, чиройли ўйин ва киритилган тўп учун рағбатлантирувчи мукофот, ғалаба учун қўшимча маош белгиланган. Яқинда эса яна 200 минг сўмлик спорт анжомлари харид қилдик...

Европа футбол чемпионати

БОШ СОВРИННИ КИМ ОЛАРКИН?

Маълумки, Англия шаҳарларида Европа футбол чемпионати 10-марта ўтказилмоқда. Турли жойларда уюштирилган Европа биринчилигида эса Франция ва Италия футболчилари икки мартадан ғолиблик қилишган. Испания, Бельгия, Югославия, Германия, Швеция терма жамоалари ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлганлар. Хўш, бу сафарги баҳсда бош соврин кимга насиб этаркин? Ишқибозлар майдон эгалари — Англия футболчиларини 1968 йили Италия чемпионатида учинчи ўринни олишганини яхши билишади.

Кеча ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Мутахассислар Англия - Германия, Франция-Чехия учрашуви иштирокчиларида имкониятлар деярли бир хил деган тахминни ўртага ташлагандилар. Боиси, финални кўзлаган бу жамоаларнинг ҳар бирида ўзига хос йўқотишлар бор. Хусусан, инглиз Корочи, Гаскойн Ширер, Эндертон ҳакамнинг сариқ белгисини олганликлари туфайли майдонга тушмадилар. Чехларнинг ҳам аҳволи яхшимасди. Сухопарек билан Латал ўйнашмади. Бейбл, Кука майдонга тушишмади. Германия жамоасида фақат тўпурар Бобич касал эди. Фақат Франция жамоасида йўқотишлар камроқ дейиш мумкин. Шунга қарамай, ярим тунда якунланган учрашувларни ҳужумкорлик руҳида ўтгани табиий. Энди дам олиш куни якунловчи учрашув бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

МИРЗАКАРИМ АКАНИНГ УЛУШИ

Инсон хотираси азиз

Мамлакатимиз матбуотида ёрқин из қолдирган журналист, истеъдодли ёзувчи Мирза КАРИМ ҳаёт бўлганида бу йил 50 ёшга тўларди... Афсуски, умри қисқа экан... Лекин тақдирга шукрлар бўлсинким, бизга у кишидан бадиий, публицистик асарлар тўплами ва умрининг сўнгги йилларида ёзган «Моҳларойим» романи ёдгор бўлиб қолди.

Самимийлик, беғаразлик, покизалик ва хокисорлик раҳматли дўстимизнинг ҳаёт мундарижаси эди. Мен уни ҳеч қачон тажанг ҳолатда учратмаганман. Бирор киши асоссиз, жанжал кўтармоқчи бўлса ҳам уни тинчлантиришнинг йўлини биларди. Ёмон кайфиятда кирган киши ҳам Мирза Карим аканинг хоналаридан кулиб, ҳазил-мутойиба билан чиқиб кетарди.

Иш бор жойда тортишув бўлади. Фикрлар жанги ижодкор ҳамроҳидир. Баҳс ва мунозаралар ҳам улар учун оддий ҳодиса. Шунақа қалтис пайтларда Мирза Карим Пирматов овозини даҳаллатиш ёки суҳбатдошининг асабига тегиш у ёқда турсин, шериги қуюшқондан чиқиб кетса ҳам жилмайиб: «Вой, хумпар-эй!» деб қўярдилар.

У дунёдаги ягона ақлли мавжудот инсон эканлигини ҳамиша эътироф этарди ва таҳририятга майда-чуйда шикоят билан келганларни ҳам обдон тинглаб, беғараз маслаҳатлар беришдан эринмасди. Ундаги очиққўнгиллилик, айниқса, ёш ижодкорларга қўл келарди. Ҳали ҳануз қўлимга қалам олишим билан раҳматлининг ёниқ чеҳраси кўз ўнгимдан ўтаверади, «зўр ёзяпсиз» деяётгандек туюлаверади. Мен журналист ёки филолог эмасман, тарихчиман. Бунинг устига чекка тоғ қишлоғида вояга етганим учунми ўзбек тилидан дурустроқ сабоқ олиш бахтига ҳам муяссар бўлмаганман. Сезгир Мирза Карим ака эса камчиликларимни беозоргина, иззат-нафсимга тегмасдан тушунтирарди. Кечагидек эсимда, аёллар ҳақида мақола ёзиб ҳузурига кирдим. Синчиклаб ўқиб чиқиб: «Жуда яхши, «теша тегмаганидан» бўлибди. Лекин бунга қўшасиз. Аёлларнинг мақтовини қойил қипсиз. Беайб парвардигор дейишади. Энди уларнинг салбий жиҳатларини ҳам қидириб кўринг-чи!» дедилар. Маслаҳатни олиб, иккиланиб таҳририятдан чиқдим. Ўйхаёлим салбий аёл ахтариш бўлди. Билмадим, неча кун ўтди, бир куни тўйда ўйинчи аёлнинг ёқимсиз қилпанглашлари, бегона эркакларга елка учириб, қош қоқишларига гувоҳ бўлиб қолдим. Унга шартли равишда «Дилором» деб исм қўйиб, лавҳани «рақам» этишга киришдим ва салбий бўёқларнинг сарасини «Дилором» учун ишлатдим. Мирза Карим ака мақола билан танишиб чиқиб, «Ҳа, мана энди ишласак бўлади» деб олиб қолдилар ва ўша «Аёллик кўрки» деб номланган мақолам раҳматли дўстимизнинг таҳрири билан тез кунда газета юзини кўрди. Мирза Карим Пирматовнинг беминнат ва заҳматли меҳнати туфайли юзага келган ана ўша мақолам орқасидан кўпчилик назарига тушганим ва мақтовлар эшитганим ҳам рост.

У кишини эслаган пайтимда кўнглим беихтиёр ёришади. Чорак асрдан буён қалам тебратиб у ёки бу муваффақиятларга эришган бўлсам, ҳаммасида Мирза Карим аканинг улуши ва ҳиссаси бор деб ўйлайман.

Мусоқул УСМОНОВ,
Тошкент молия институти тарих кафедраси мудири, профессор.

Бунча беғуборсан, болажон

ГАПИНГИЗГА КИРГАНИМ – ТУШУНГАНИМ-ДА!

— Ая! Эртак айтиб беринг.
— Ўзинг айта қол.
— Сиз олдин айта қолинг. Биринчи бўлиш яхши-ку!

***

— Ая, менга қараб ухланг. Бўлмаса, ерталабгача мени соғиниб қолишиз мумкин.

***

— Моҳинур! Сен мени тушунасанми!
— Тушунаман.
— Қандай қилиб тушунасан?
— Гапингизга кирганим — тушунганим-да!

***

— Ая! Қаранг шамолнинг расмини чизиб қўйдим — қоп-қоронғи қилиб.

***

— Қизим, конфетинг қани, дарров чайнаб еб қўйдингми?
— Йўқ, мен емадим. Оғзимга солиб озгина чой ичворувдим, ўзи қўрққанидан ичимга кириб кетди!

***

— Моҳи, нимага турибоқ юз-қўлингни ювиб, тезда чойга кела қолмайсан?
— Ухлаб-ухлаб ерталабгача чарчайман. Ўшан-чун озгина дам олай деб ётаман-да, аяжон.

***

— Ая, чақалоқ олайлик!
— Чақалоқ олсак у мени ая қилиб олади-да, майлими?
— Йўқ. Уни ўзини ойиси билан бирга оламиз-да!

***

— Ая, нимага одамнинг оёғи оғрисаям, тиши оғрисаям — нуқул кўзидан ёш чиқади?

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

«МАТБУОТ» ЎЙЛАНМАСИ



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиш билан ўйланмани ҳал этинг.

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси. 2. Мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомий таърифича:
Ичи ғунча каби варақ-варақдир.
Қимматда ҳар варақ табақ-табақдир.
3. Матбуот ижодкорларининг илк асарлари намунаси. 4. Республикамизда оммалашган, кекса журналлардан бири. 5. «Муштум» журналини ташкил этиб, муҳаррирлик қилган атоқли адиб. 6. Ижод маҳсулини маълум нуқтаи назардан таҳлил этиб, баҳолаш. 7. Босма асар чоп қилиш. 8. Авлоддаи-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлар. 9. Ўзбекистондаги нашриётлардан бири. 10. Мустақиллигимиздан сўнг нашр этила бошланган ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнал. 11. Қабулхона нозири. 12. Шеър сатри. 13. Эркин Воҳидов шеъридан:
«Улфатимдир шам янглиғ
Кечалар танҳо...»
14. Воқеа, ҳодисаларга оид бадиий-публицистик маҳсул. 15. Ўзбек тилида 1871 йилда чиққан биринчи босма китоб. 16. Маърифий китоблар нашриёти. 17. «Ичқуёв» видеофильми қаҳрамони. 18. Китоб нашри тури. 19. Чизма тасвир, сурат. 20. «Ёднома» рукнининг синоними. 21. Кундалик янгиликлар ҳақидаги маълумот. 22. Нашр ва таҳрир учун масъул шахс. 23. Газетада асосий жанрлардан бири. 24. Иҳчам бадиий асар.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«СОҲИБҚИРОН» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБИ
(Газетанинг 1 июнь сони)

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Мироншоҳ. 2. Шоҳруҳ. 3. Аҳмедов. 4. Бухоро. 5. Арабшоҳ. 6. Қайсар. 7. Зангиота. 8. Макка. 9. Жасорат. 10 Ҳадис. 11. Тарағай. 12. Работ. 13. Жабборов. 14. Барлос. 15. Муродов. 16. Доруға. 17. Оқсарой. 18. Шоҳмот. 19. Тойбодий. 20. Шомий. 21. Согуний. 22. Динор. 23. Руҳобод. 24. Деҳли.

МУАММОНОМА. Очқич: 1. Тузар. 2. Энг. 3. Тадбиркор. 4. Сўз. 5 Номус. 6. Оға. 7. Адолат. 8. Тақдир. 9. Довон. 10. Бош.

ҲИКМАТ: Биз ким — мулки турон, Амири Туркистонмиз.
Биз ким — миллатларнинг энг қадими ва
энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги хўжалик ҳисобидаги Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жамоаси марказ бош раҳбари
Ғайрат Шомаҳмудович ШОТУРСУНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республика Халқ банки бўлимларида «Индексация» ҳисобларини очиш 1996 йил 30 июнгача давом этишини яна бир бор эслатамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида
СОТАДИ
ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Нархлар арзон, шартнома асосида.
Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.
Ёқилғини ташиш учун автомобиль хизмати кўрсатади.

Манзил: Тошкент шахри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

КОРХОНА
пул ўтказиш йўли орқали БЗН ва БВ (1000x250, 800x250) маркали тегирмон вальцларини
СОТАДИ.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. (Тельман боғининг қаршиси).
Телефонлар: 67-23-74 (тел/факс), 67-77-41.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматда 30414 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0302

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА